Гос. книжная палата УзССР
95
11 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 225 (5516)
2 ОКТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Юбилей меҳнат вахтаси

ЮКСАК МАҲОРАТ НАТИЖАСИ

Сергели авиакорхонасининг вертолёт бўлинмаси коллективи СССР граждан авиацияси министрлигининг пешқадам коллективларидан саналади. Сергелилик вертолётчилар ҳозирги пайтда вертолётларнинг учиш соати бўйича министрлик коллективлари орасида учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Учиш маҳоратининг тинмай ошиб бораётганлиги юксак самарадорликка эришиш имконини бермоқда. Бўлинманинг 26 вертолётчиси биринчи класс тайёргарлигига эга. Бу моҳир учувчилар ёшларни тарбиялаб, илғорлар сафига олиб чиқишга ҳам катта аҳамият беришяпти.

Коллектив юбилей йилининг икки кварталидан бери Ўзбекистон граждан авиацияси коллективлари ўртасида ҳам мусобақа ғолиби бўляпти. Вертолётчиларнинг серқуёш республикамиз н и н г шонли юбилейига бағишланган меҳнат белгиларини тобора авж олмоқда. Учувчиларнинг ундан бир қисми ҳозирнинг ўзида беш йилликнинг тўртинчи йили топшириғини муддатдан олдин адо этдилар. Мусобақада А. Сафонов, Р. Жамилов, А. Соболев, С. Павлов командирлик қилаётган экипажларнинг коллективлари карвонбошилик қилишяпти. Бу экипажларнинг ҳар бири йиллик планга қўшимча 150 соатдан ортиқ учдилар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

САБЗАВОТ ЖАМҒАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Бу йил куз тўкин келди. Она-табиат армуғонларини дала ва боғлардан жадал йиғиб-териб олиш, мева-сабзавотларни ҳалқ нами қуримай шаҳарликлар дастурхонига етказиб бериш шу кунларда дала меҳнатчиларининг асосий вазифасидир. Одатда, йилнинг шу даврида иш қайнаб кетади, Сабзавоткор хўжаликлардан савдо тармоқларининг омборхона ва базаларига узлуксиз равишда қишлоқ ноз-неъматлари келиб турадн. Бунда кўп нарса «Ташплодоовощ» бирлашмасининг район улгуржи-чакана савдо идораларининг аниқ ва оператив иш олиб боришларига боғлиқдир. Агар маҳсулотлар оралиқ пунктларида туриб қолмаса, улар ўз вақтида сараланса, харидор бундай маҳсулот сифатидан мамнун бўлиши турган гап.

Юнусобод колхоз бозоридаги 16-сабзавот магазинига борганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда ранг-баранг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етарлича миқдорда бор. Пиёз, узум ё ошковоқ дейсизми, сабзи ё олма дейсизми, нокми — ҳаммаси бор. Пештахтада бironта ҳам туриб қолган маҳсулотни кўрмайсиз. Сотувчилар даладан келтирилган маҳсулотларни дарров саралашади, сотувга энг яхшисини қўйишади.

Уз ишига ҳалол муносабатда, талабчанлик билан ёндошаётган савдо корхоналарида ана шундай манзарани кўрасиз. Бироқ баъзан пештахталарда шундай сабзавот ва мевалар ҳам учраб ётадики, уларни сабзавот-мева деб аташ ҳам қийин. Масалан, 2-Қорасув массивидаги 5-магазинда ёнғоқдек-ёнғоқдек помидорларни харидорларга олинг, деб қисташади. Бу ерда пиёз, бодрингнинг уруғи ҳам йўқ. Айни пайтда савдо корхонасининг Луначарск шоссесидаги филиалида 18 тонна пиёз уюлиб ётган экан. Помидор масаласига келсак, магазин мудири Р. Назаров айби билан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати назорат қилинмаяпти. Шунинг учун ҳам Куйбишев район аҳолиси сабзавот билан ёмон таъминлашаётгани ҳақида ҳаққоний эътирозлар билдиришяпти.

Қорасув массивидаги 2-магазинда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тури жуда ғариб. Сабзи, узум, олманинг уруғи ҳам йўқ. Борни ҳам оғизга олиб бўлмайдиган даражада.

Кейинчалик биз «Ташплодоовощ» бирлашмасининг Куйбишев районн улгуржи-чакана савдо идораси директорининг ўринбосари У. Қўчқоров билан суҳбатлашганимизда, шунга ишониш ҳосил қилдикки, бу нуқсонлар тасодифий эмас экан. Йил бошидан буён мазкур идорада қишлоқ хўжалик маҳсулотларн тайёрлаш бўйича судралишга йўл қўйилган. Савдо ташкилотлари раҳбарларининг лоқайдлиги орқасида, уларнинг маҳсулотлар етказиб берувчилар билан узвий амалий алоқа ўрнатишдаги ношудлиги оқибатида шундай ҳол содир бўлган.

Шаҳар атрофи зоналарн хўжаликларининг раҳбарлари шаънига ҳам икки оғиз нордон гап айтишга тўғри келади. Улар маҳсулот етказиб бериш планларини асосан тош босадиган маҳсулотлар — пиёз, бодринг, карам ҳисобига бажармоқдалар. Шунинг учун ҳам савдо тармоқларида маҳсулотлар турн ўта ғариб. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи ичида сабзавот ва мевалар етказиб бермаганн учун колхоз ва совхозларга «Ташплодоовощ» бирлашмаси 119 та жарима солди. Аммо бу тадбир чинин чаққанчалик таъсир қилмаяпти.

Маҳсулотлар тайёрлашдаги ўқувсизлик район улгуржи-чакана савдо идораларн айбн билан ҳам содир бўлмоқда. Улар хўжаликларда, базаларда ва омборхоналарда у ёки бу маҳсулотдан қанча борлиги билан мутлақо қизиқмаётирлар. Маҳсулот етказиб бериш бўйича графиклар эса уннинг ижрочиларига етиб бормаяпти. Шунинг учун ҳам омборхоналарда маҳсулотлар мўл-кўл бўлишига қарамай магазинларнинг пештахталари бўм-бўш турибди.

Хизмат маданиятн ҳақида-ку гапирмай қўя қолайлик. Ишқилиб, сабзавот, мевани дўконга олиб келса бўлди. Маҳсулотларни магазинларга марказлашган усулда келтиришнн жорий этиш масаласи аллақачон пишиб етилган. Бунда савдо корхоналарининг буюртмаларн эътиборга олиниши керак. «Ташплодоовощ» бирлашмаси бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилишида коммунистларга ана шу камчилик ва нуқсонлар яхшн аёнлигни маълум бўлди. Тошкентликларга савдо хизматн кўрсатишнн тубдан яхшилаш йўлларн ҳақида ишчанлик, принципиаллик билан сўз юритдилар. Ишда тартиб ўрнатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар. Уйлаймизки, белгиланган режалар қоғозда қолиб кетмайди, балки тез орада ҳаётга тадбиқ этилади!

САБЗАВОТ—ҲАМШАҲАРЛАР ДАСТУРХОНИГА

Тошкент районлари бўйича сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш планининг бажарилиши тўғрисида шу йил 1 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

Районлар	Йиллик план (тонна ҳисобида)	Амалда	Процент ҳисобида
Фрунзе райони	9881	6469	85,9
Киров райони	13195	10677	80,9
Чилонзор райони	22735	16739	73,60
Сергели райони	12663	9044	71,4
Собир Раҳимов райони	12816	8998	70,2
Октябрь райони	15999	11067	69,1
Ленин райони	14509	9328	64,3
Ҳамза райони	14665	9087	61,9
Акмал Икромов райони	16595	10271	61,5
Куйбишев райони	24460	13652	55,9
Шаҳар бўйича	185496	114028	61,4



БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР №2

«ҲАРБИР СТУДЕНТ— 2 ТОННАДАН ПАХТА ТЕРАДИ»



Оппоқ пахтазорлар минглаб шаҳарликларни чорлаяпти. «Пахтакорлар сафида бўламиз! Етиштирилган барча ҳосилни териб олишда қишлоқ меҳнатчиларига кўмаклашамиз!» — шаҳарликлар республика колхоз ва совхозларига шундай яхши кайфият билан жўнаб кетишяпти. 4 октябрда институтимиз студентлари ва ўқитувчилари йўлга чиқишади. Бизни Юлиус Фучик номидаги 14 ва Ворошилов номидаги 16-пахтачилик хўжаликларида кутишяпти. Биз бу ерда фақат пахта терими даврида ишлабгина қолмай, бутун йил бўйи оталиқ ёрдами кўрсатяпмиз. Бу ерга лекторлик группалари чиқишяпти, институт олимлари билан биргаликда илмий-амалий конференциялар ўтказиляпти. Бундан ташқари олимларимиз улардаги хўжалик фаолиятнинн иқтисодий жиҳатдан анализ қилиб беришяпти. Меҳнатни ташкил этиш, меҳнат ресурслари, техникадан фойдаланиш масалалари бўйича тавсиялар беришяпти.

Биз бу йил ана шу хўжаликларда саккизинчи марта пахта теримида қатнашамиз. Студентлар институтда бўлиб ўтган комсомол йиғилишларида «ҳар бир киши мавсумда 2 тоннадан пахта териб бериши» юзасидан мажбурият олишди. Бизнинг ўтган йилги ютуқларимиз бу мажбурият бажарилишига ишончли далил бўла олади. Институтимиз пахта далаларидаги зарбдор меҳнати учун Жиззах область партия комитети, область ижроия комитети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланган, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг кўчма Қизил байроғи бизда абадий сақлаш учун қолдирилган.

Ўтган йили ташкил этилган 54 та қишлоқ хўжалик отряди орасида Дилором Саидованинг комсомол-ёшлар звеноси алоҳида ўрнак кўрсатган эди. Звенонинг ҳар бир аъзоси ҳар куни 170—180 килограммдан пахта териб, аъло сифатли ишлади. Д. Саидова звеносининг тажрибаси барча бригадаларга ёйилди. Ташаббус қанот ёзиб, юзлаб студентлар юқори унум билан ишлашди. Натижада ҳар бир киши ҳисобига ўртача кўрсаткич 9—11 килограмм ўсди. Ўтган йилги пахта терими пешқадамлари орасида меҳнатлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган Г. Ўрозбоева, Ғ. Чориев, Д. Гадуева, В. Владимиров, М. Юсупова ва бошқалар бор.

Биз бу йил социалистик мусобақани ташкил этишнинг самарали формасини яна давом эттирамиз. «Пахтазордаги меҳнат семестрини» «аъло» баҳога топширамиз!» — қишлоқ хўжалик бригадаларининг шиори ана шундай.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,

Тошкент халқ хўжалиги институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Тошкент оқшоми ва Вечерний Ташкент газеталари, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети ва «Главташпассавтотранс» бошқармасининг оталиқдаги областлар пахта далаларидаги матбуот маркази.

Махсус мухбирларимиз А. Ҳатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориш тўғрисида шу йил 1 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	3,02	46,80
Андижон	2,81	40,49
Тошкент	4,24	37,96
Наманган	2,81	34,11
Сурхондарё	2,61	33,07
Бухоро	1,70	30,35
Хоразм	2,38	24,94
Самарқанд	2,11	24,13
Навоий	1,37	23,20
Қашқадарё	1,21	18,48
ҚҚАССР	1,63	15,00
Жиззах	2,14	12,77
Сирдарё	1,77	9,82
Республика бўйича:	2,33	28,05

ПАРТКОМ ШТАБИ БОШЧИЛИГИДА

Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пахтакорларга оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича штаб бошлиғи ўринбосари, партком аъзоси.

— Пахта йиғим-терининг қизғин дамлари бошланди. Шуни яхши биламизки, пахтазорга кўп ишчи кучи керак. Шунинг учун ҳам оталиғимиздаги хўжаликларга ёрдам беришга шай турибмиз. Депутатларнинг яқинда республиканинг барча депутатларига қарата қилган мурожаати ҳам бизни ана шунга даъват этмоқда.

Кўпгина ходимларимиз пахтакорлар билан бир сафда туриб ишлашга аҳд қилишди. Бўкадаги филиалимиздан 55 киши пахтазорларга чиқиб, теримда актив қатнашмоқдалар. Корхонанинг 300 га яқин ходими оталиқ ёрдами кўрсатади. Бундан ташқари Ғалаба районида ҳам кўпгина ходимларимиз пахтакорларга ёрдам кўрсатадилар.

Тикув машиналари ёнида ишлайдиганлар эса Тошкент шаҳри бўйича сайланган депутатлар даъватини қизғин маъқуллаб, мусобақада етакчилик қилишга аҳд қилдилар. Улар пахтазорларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳам нормаларини бажаришга вақда беришган. Бундан ташқари худди ўтган йилларда бўлганидек, юзлаб инженер-техник ходимлар ва ишчилар шанба ва якшанба кунларн пахтазорларга чиқадилар.

Корхонамизнинг коммунист ва комсомоллари бутун коллективи пахтакорларга ёрдам кўрсатиш иштиёқи билан жўш урмоқдалар.

• ҚИММАТЛИ ТАШАББУС ҚАНОТ ЕЙМОҚДА

«БУТУН СИНФ БИЛАН— ПАХТА ДАЛАСИГА»



Республикамиз далаларида пахта йиғим-терими кун сайин авж оляпти. Республика пахтачилик хўжаликларига студентлар ва инженерлар, ишчилар ва шаҳар ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари чиқиб келишяпти. Мактабларнинг ўқувчилари ҳам пахта теримида қатнашишяпти. Шаҳардаги бешта мактаб ўқувчиларининг «Бутун синф билан — пахта даласига» шиори остидаги ташаббуси кенг қулоч ёзди. Йигит ва қизлар ташаббусни комсомол йиғилишларида муҳокама этиб, пахтакорлар сафида бўлишга тайёр эканликларини айтмоқдалар. Улар юбилей йили «оқ олтин» хирмонига ўз ҳиссаларини қўшиш иштиёқидалар.

— Мактабимизнинг юзга яқин тўққизинчи синф ўқувчиси,— дейди 17-мактаб директори Йўлдош Мирзаевич Туртаев, — пахтазорга йўл олдилар. Шаҳардаги бошқа мактабларнинг минглаб ўқувчилари қатори республика далаларида меҳнат қилиш улар учун комсомолчасига шон-шараф ишидир. «Биз ҳозир рёспублика юбилейи йили —1984 йил ҳосили ҳал этилаётган, айни пайтда катта ўртоқларимиз меҳнат қилаётган жойда бўлишни истаймиз, — дейишяпти ёшлар». Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари талабларига жавоб берувчи ана шу меҳнат кўтаринкилиги биз ўқитувчиларни қувонтиради.

Демак, биз меҳнат таълими бўйича кун сайин олиб бораётган ишларимиз самарали бўляпти. Ўқувчиларимиз бешинчи меҳнат семестри пайтида Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхозда яхши ишлашди, мактабни ремонт қилишда иштирок этишди. Улар ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ишчи касбларини муваффақиятли ўзлаштиришяпти. Мана бугун «Бутун синф билан — пахта даласига» ташаббусига «лаббай» деб жавоб беришди. Ташаббус издошларининг сафи кенгаймоқда. Уларнинг мақсади битта — пахтакорларнинг олтин қўллари билан етиштирилган ҳосилни сўнгги чаноғигача териб олиш.

Юбилей йили пахта хирмони кун сайин кўкка бўй чўзаяпти. Корхоналар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари вакилларининг янги-янги отрядлари пахтакорлар сафига қўшилишяпти. Мактаб ўқувчилари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили планларн ҳар бир пахтачилик хўжалигида бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшиш иштиёқидалар. Пахтазорлар уларни меҳнатга чорлаяпти. 80-йилларнинг комсомоллари «оқ олтин» ҳосили учун жанг қилаётган катта ўртоқларимиз билан бир сафда бўламиз» — дейишяпти.

СУРАТДА: 17-мактабнинг 9-«а» синфи комсомол йиғилишида бир овоздан «Пахтакорлар сафида бўламиз», деган қарор қабул қилинди.

Т. Каримов фотоси.

Рус тили ўқитувчиларининг халқаро учрашуви

1 октябрь куни Тошкентда рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг халқаро учрашуви (МАПРЯЛ) симпозиуми очилди. Симпозиум қатнашчилари — СССР, Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг таниқли олимлари, педагоглари беш кун мобайнида студентларга рус тилини ўргатишнинг асосий проблемаларини муҳокама қиладилар, ўқув жараёнини, методик ишларни такомиллаштиришда, ўқитиладиган материални яхши ўзлаштиришда таълимнинг замонавий техника воситаларидан, радио, телевидениедан фойдаланиш тажрибасини ўртоқлашадилар.

Тошкентда мана шундай халқаро учрашув иккинчи марта ўтказилмоқда. 1972 йили бу ерда МАПРЯЛнинг Осиё, Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида рус тилини ўқитишнинг актуал проблемаларига бағишланган симпозиуми ўтказилган эди.

(ЎзТАГ).

КАСПАРОВ ТАНАФФУС ОЛДИ

МОСКВА. Кеча бу ерда шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов—Г. Каспаров матчининг навбатдаги саккизинчи партияси ўйналиши лозим эди. Бу партия ўйналгани йўқ. Г. Каспаров иккинчи танаффусни олди. Шу партия 3 октябрь куни ўйналади. Оқ доналарни чемпионликка даъвогар суради. Ҳозирча матчда А. Карпов 3:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

„Тошкент оқшоми"га жавоб берадилар

Қўполлиги учун жазоланди

Газетхон Е. Дивенкова редакцияга хат йўллаб, Тошкент автовокзали «Келес» автостанциясн кассирининг нолойиқ хатти-ҳаракатидан шикоят қилган эди. Хат кўриб чиқиш ва чора кўриш учун Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига юборилган эди. У ердан қуйидаги жавоб олинди:

«Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги Е. Дивенкованинг хатини кўриб чиқди. Хатда баён этилган фактлар чиндан ҳам рўй берган. Кассир Р. Валиеванинг хулқ-атвори «Тошкент» автовокзали коллективининг ўртоқлик суди мажлисида муҳокама этилди. Р. Валиеванинг чин кўнгилдан нқрор бўлганлиги ҳисобга олиниб, пассажирлар билан қўпол муомалада бўлганлиги учун ўртоқлик судининг қарори билан унга жамоат танбеҳи эълон қилинди. Айни пайтда «Келес» автостанциясн бошлиғи Э. Султонхўжаевга коллективда снёсий-тарбиявий иш бўшлиғи кўрсатиб ўтилди.

Е. Дивенкованинг хатн автовокзал коллективи ўртасида кенг муҳокама этилди. Автостанцияснинг барча ходимларн келгусида бундай фактларга йўл қўймб бўлмаслиғи ҳақида огоҳлантирилдилар.

Ҳозирги пайтда «Келес» автостанциясида справка-ахборот материалларнинн янгилаш ишлари амалга оширилаяпти. Автостанция иши устидан Тошкент область автомобиль трестининг назорати кучайтирилди».

А. ГАВРИЛОВ,

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министри.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Республика Кино уйида кинопропагандининг КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Арманистон республикаларининг вакиллари иштирок этдилар. Семинар-кенгаш қатнашчилари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, кинопропагандани кучайтириш йўлларини белгилаб олдилар.

ОБ-ҲАВО

▲ Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 18 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 8—10, эртага кундузи 25—27 даража иссиқ бўлади.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА

НАЗОРАТ

САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Ф. НАЗРУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.

Партиямиз КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йилликнинг соцнал ва иқтисодий вазифаларини ҳал эта бориб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида интизом ва уюшқоқликни оширишга биринчи галда аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг IV ва VI пленумларида ишлаб чиқаришнинг хизмат кўрсатиш соҳаларининг, бошқарувнинг барча участкаларида иш услуб ва методларини янада яхшилаш тўғрисида принципнал партиявий сўз борди. Ўзбекистон ССР халқ контроли органлари активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган резолюцияда таъкидланишича, халқ контроли органлари фаолияти асосида партиянинг ана шу талаблари ётиши керак.

Тошкентда халқ контроли комитетлари, группа ва постларда жамоатчилик асосида 52 мингдан зиёд назоратчи иш олиб бормоқда. Улар давлат план ва топшириқларини бажариш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, моддий меҳнат ресурслари ва пул маблағларини иқтисод қилиш ва тежаб-тергаб сарфлаш, шунингдек, социалистик мулкни асраб-авайлаш учун оммавий назорат олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга олиб бораётган ишимизни бугунги кун талаблари билан таққослаб кўрсак, шунга ишонч ҳосил қиламизки, шаҳарда назоратчилар хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳалари фаолиятини, огоҳлантириш ва нуқсонларни тузатишни яхшилашда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишмаяпти.

Шу йилнинг ўтган ярим йиллигида 1-ва 2-пойтахт республикада ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 20 процентдан кўпроғини, капитал маблағларнинг 18 процентдан кўпроғини, республика товар оборотининг бешдан бир қисмини бермоқда. Бу эса халқ контроли органлари зиммасига ана шу соҳаларга назоратни кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича катта масъулият юклайди. Бироқ кўп жиҳатдан бизга боғлиқ бўлмаган сабаблар ҳам бор. Айрим министрлик ва идоралар комитет ва группаларнинг шаҳардаги уларга қарашли корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ахборотларига ҳамиша ҳам етарлича акс-садо бераётгани йўқ. Масалан, шаҳар ва район халқ контроли комитетлари текширишлар далолат бериб турибди. Шу соҳа идоралари иш олиб бораётган халқ контроли группаларининг кўпчилиги пассивлик кўрсатмоқдалар, қонун бузиш ҳолларига ломмим деймаяпти. Ўз ишларида СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонун берган ҳуқуқлардан фойдаланишмаяпти. «Болалар дунёси» (ранси С. Р. Раҳимбеков), «Ташгалантерейт о р г» (ранси Л. А. Отахўжаева) маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси (ранси Н. М. Қосимов) ва унинг бўлинмалари, «Ташплодоовощ» бирлашмаси (ранси В. Г. Янош) ва бошқа жойлардаги халқ контроли группалари шулар жумласидандир.

Бу группаларнинг бўш ишлашида шунингдек шаҳар ва район халқ контроли комитетлари айбдордирлар. Чунки уларга жамоат бурчини бажаришда амалий ёрдам кўрсатмаяпти, уларнинг ташаббусини ривожлантирмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Тошкент область ва шаҳар партия комитетининг IV ва VI пленумлари талаблари асосида шаҳар халқ контроли комитетлари назорат самарадорлигини янада ошириш, группа ва постлар, барча халқ назоратчилари фаолиятини активлаштиришни таъминлаш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар.

Корхоналар, ташкилотлар экономикасига, айниқса қолоқ участкалар экономикасига чуқурроқ кириб боришни ва қонун бузишларнинг сабабларини синчиклаб таҳлил қилишни, ўз кучларимизни майда-чуйда, арзимаган масалаларни текширишга сочиб юбормасликни, халқ хўжалигининг муҳим, актуал вазифаларини назорат остига олишни, текширилган объектларда эса ижобий натижаларга эришишни биз ўз вазифамиз деб биламиз.

ИШ ТАЖРИБАСИДАН

БОШ ЙЎНАЛИШДА

Собир Раҳимов райони ташкилотлари ва корхоналарининг назоратчилари давлат интизомини мустаҳкамлаш бўйича партия ва ҳукумат директивалари бажарилишини назорат этиш, ошириб ёзишлар, кўзбўямачилик фактларини бартараф топтириш борасида бир қанча ишларни амалга оширишяпти. Чунончи, 6-қурилиш трести, «Тошкент» ёғочга қайта ишлов бериш ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узкоопстроймонтаж» ремонт-қурилиш бошқармаси каби корхоналарнинг халқ контроли группаларида ташкилий структура пухта ўйланган. Назоратнинг асосий йўналишлари бўйича бюро ва секторлар тузилган.

Масалан, 6-қурилиш трести халқ контроли группаси томонидан 7-қурилиш бошқармасида фин фанераси нормадан ортиқча ҳисобдан чиқарилгани, улардан фойдаланиш ҳисоботи нотўғрилиги аниқланди. Нуқсонга йўл қўйиш оқибатида икки прорабда умумий суммаси 4.380 сўмлик материал етишмаслиги аниқланди. Халқ назоратчиларининг текшириши натижаларига кўра, трест бўйича чиқарилган буйруқ билан ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳасанова виговор эълон қилинди. Етишмаган фин фанерасининг ўрни қопланди.

Трест назоратчилари томонидан 1983 йил ва 1984 йилнинг биринчи ярмида 18 та текшириш ўтказилди. 7 та текшириш социалистик мулк сақланишини таъминлаш ва резервларни аниқлашга, бештаси— давлат планлари ва топшириқлари бажарилишини текширишга бағишланди.

Ўтган йил ва шу йилнинг биринчи ярмида «Тошкент» ёғочга қайта ишлов бериш бирлашмаси халқ контроли группаси томонидан 17 та текшириш ўтказилди. Улардан бирида халқ назоратчилари корхонанинг эшик ва дераза цехларида технология интизоми бузилиши оқибатида паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётганини аниқлашди. Бирлашма маъмурияти текшириш материаллари асосида айбдорларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортди, бўлинмалар иши устидан назоратни кучайтирди. Натижада цехларда тайёрланаётган маҳсулот сифати анча яхшиланди.

Лекин халқ контролининг барча группа ва постлари ҳам юқори савияда ишлаяпти деб бўлмайди. Масалан, «Жилстрой» трестининг бош группаси иш планида давлат планлари бажарилиши, ошириб ёзишлар ва кўзбўямачиликларни аниқлаш масалалари кўзда тутилмаган. Атиги иккита текшириш ўтказилган. Ишлаб чиқариш-техника комплектация бошқармаси ва «Ташмостстрой»нинг қурилиш бошқармаси назоратчилари амалда ҳеч қандай иш қилишмаяпти. Ана шу халқ контроли группаларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент шаҳар партия комитетининг VI пленуми қарорлари асосида ўз ишларини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди.

Бошқа группаларнинг ишида ҳам баъзи камчиликлар бор. Чунончи, дурадгорлик буюмлари заводи ва махсус йўл-эксплуатация трестида 1983—84 йилларда маъмурият томонидан бирорта назоратчи рағбатлантирилмади. «Узкоопстроймонтаж» ва «Жилстрой» трестларининг ремонт-қурилиш бошқармаларида халқ контроли группаларининг структураси тўла тартибга [illegible] Кейинги бир [illegible] мобайнида [illegible] эксплуатация халқ контроли [illegible] си томонидан планлари [illegible] рикдари [illegible] нинг бирорта бирорта текширишга [illegible] казилмаган.

Шаҳар халқ комитет [illegible] зоратчиларнинг [illegible] килий [illegible] сонларини пайтида [illegible] Компартияси Марказий Комитетининг пленуми [illegible] асосида давлат [illegible] мига риоя [illegible] назорат [illegible] чайтирди [illegible] амалий ёрдам [illegible] тиш [illegible] Собир Раҳимов халқ контроли [illegible] ти зиммасига [illegible] Халқ контроли [illegible] ларига [illegible] бартараф [illegible] дан чоралар [illegible] таклиф [illegible]

Л. ГОЛЬ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№9 (208)

- ҚАТТИҚ ТЕЖАМКОРЛИК РЕЖИМИ УЧУН
- ХЎЖАСИЗЛИК АДРЕСЛАРИ
- ЯНГИ КИТОБЛАР
- НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ
- ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

Акмал Икромов районн

Район халқ контроли комитети ўз мажлисида «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон заводи филиалларида ишлаб чиқариш плани қониқарсиз бажарилаётгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати пастлиги ва хом ашёдан фойдаланишдаги нуқсонлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

5-нон заводи филиалларида хом ашё ресурслари ҳисобга олинмаганлиги, сифатсиз маҳсулот тайёрлангани, торозидан, харидор ҳақидан уриб қолиш ҳоллари рўй бергани учун комитет завод директори Ҳ. Маҳамадхоновга ва филиалларнинг мудирларига қаттиқ виговор эълон қилди.

Киров район

Район халқ контроли комитети меҳнаткашларнинг аризалари, шикоятлари ва таклифлари бўйича «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Строймеханизация» трести ва 17-клиник касалхона халқ контроли группаларининг ишини муҳокама этди.

Комитет «Технолог» бирлашмаси халқ контроли группаси раиси А. Фирсовга, «Строймеханизация» трести халқ контроли группаси раиси Г. Коваль ва 17-клиник касалхона халқ контроли группаси раиси Б. Абдуллаевга кўрсатилган нуқсонларни бартараф этишни топширди.

Куйбишев район

Район халқ контроли комитети 66/67 ва 65-АТСлар қурилишининг бориши бўйича текшириш натижаларини кўриб чиқди. Комитет таъкидладики, районда янги автомат станциялари қурилиши суст кашлик билан олиб борилаяпти.

АТСлар қурилишининг бориши қониқарсиз назорат этилганлиги учун комитет бош пудратчи ташкилотлар бош инженерлари — «ТашГРЭСстрой» бошқармасидан А. Светашовга, «Главташкентстрой» 8-трестининг 1-қурилиш бошқармасидан Ш. Нишонбоевга ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 2-капитал қурилиш бошқармаси бош инженери В. Дригвалга виговор эълон қилди.

Ленин район

Район халқ контроли комитети томонидан ўтказилган текширишда 16-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасида КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажаришда нуқсонлар борлиги аниқланди. Меҳнаткашларнинг ҳамма хатлари, шикоятлари ва аризалари муддатида кўриб чиқилмади, аҳолига ўз вақтида жавоб берилмайди,

Йўл қўйилган нуқсонлар учун 16-ЖЭУ бошлиғи Н. Беленицкаяга виговор эълон қилинди.

Октябрь район

Район мактабларининг янги ўқув йилига тайёргарлигини текшириш натижалари Октябрь район халқ контроли комитети мажлисида муҳокама этилди. Аниқландики, райондаги 31 та мактабдан тўққизтаси ремонт қилинмаган, бошқа тайёргарлик ишлари ҳам бажарилмаган. Булар — 39, 41, 45, 65, 82, 95, 136, 141, 167-мактаблар. Тайёргарлик ишлари ўз вақтида бажарилмагани учун комитет районо мудири Ўринбосари Ш. Шоаҳмедовни жазолади.

Собир Раҳимов район

Район назоратчилари шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасининг контрол-ревизия бўлими ходимлари билан биргаликда 449-болалар боғчаси ва 249-мактабда капитал ремонт ишларини бажаришда иш ҳажми 11 минг сўмдан зиёд ошириб ёзилгани фактини аниқлашди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал ремонт бошқармасининг 10 ва 12-ремонт-қурилиш бошқармаларида бажарилган иш ҳажми ошириб ёзилгани оқибатида ишчиларга тегишлича 2250 ва 2120 сўм иш ҳақи қонунсиз тўланган. Ушбу нуқсонларда айбдор бўлганлар жазоланди.

Сергели район

Район назоратчилари Сергели райпишчеторгининг 5, 9-магазинларида, 2-улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 2, 4, 5, 10/3-магазинларда ва «Таштекстильшвейторг»нинг 31-магазинида совет савдоси қоидалари бузилаётганлиги фактларини аниқладилар.

Сергели район халқ контроли комитети кўрсатилган магазинларнинг мудирларини жазолади, райпишчеторг ва улгуржи-чакана савдо идораси раҳбарлари (М. Азаматов ва В. Пак) эътиборини жиддий нуқсонларга қаратди ва уларга айбдорларга нисбатан чора кўришни топширди.

Фрунзе район

Райондаги савдо корхоналарининг хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва совет савдоси қоидаларига риоя этилиш бўйича фаолиятни текшириш натижасида уларнинг айримларида қўпол нуқсонларга йўл қўйилаётгани аниқланди.

Комитет Фрунзе улгуржи-чакана савдо идораси директори Р. Белянови, савдо маркази озиқ-овқат бўлими мудири М. Шамсимуҳаммедовни қаттиқ жазолади. Улгуржи-чакана савдо идораси, савдо маркази ва райпишчеторг бўйича чиқарилган буйруқлар билан айбдорлар жазоланганлигини эътиборга олди.

Ҳамза район

Район халқ назоратчилари Юнонованинг аризасини текшириб, 7963-марказий омонат кассада штат-молия интизомининг қўпол бузилишларини аниқладилар.

Комитет давлат интизоми қўпол бузилганлиги, ишга қабул қилишда сохта ҳужжат расмийлаштирилгани, ходимлар иши назорат этилмаслиги учун марказий омонат касса мудири Г. Воропаевани вазифасидан четлаштирди. Бош бухгалтер В. Терзиевага қаттиқ виговор эълон қилинди.

Чилонзор район

Чилонзор район халқ контроли комитети хизмат лавозимини суиистеъмол қилганлиги, автомашиналарни олиб сотганлиги учун «Средазнефтегазстрой» трестининг 7-қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Кременчугскийни вазифасидан четлаштирди.

Бошқарма ва ходимлар фаолиятини бўш назорат этгани учун 7-қурилиш бошқармаси бошлиғи В. Понамарчукка қаттиқ виговор эълон қилинди.



Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи назоратчилари кўплаб хом ашё, моддий ресурсларни, электр ва иссиқлик энергиясини тежаб қолишган. Корхона электр-машина цехи халқ назоратчилари энг яхшилардан саналадилар.

СУРАТДА: электр-машина цехи халқ контроли группаси раиси Эргаш Одамбоев (ўнгда) ва назоратчи мастер Фаёз Ҳасанов маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ХЎЖАСИЗЛИК ОҚИБАТИ

ЁРДАМГА МУҲТОЖ... МЕТАЛЛ

Республиканинг барча корхоналарида бўлганидек, Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам рангли ва қора металларни топшириш планлаштирилади. Бу ерда темир-терсакни сақлаш, ҳисобдан ўтказиш ва йиғишда маълум тартиб йўлга қўйилган. Жўнатишга келганда эса, Е. Поливанов бош механик бўлган йигирув-тўқув фабрикасида план бўйича 280 тонна металл планлаштирилганди. Аслида учдан бир қисми бараварида кам металл етказиб берилди. Биринчи ва иккинчи йигирув-тўқув ва пардозлаш фабрикалари ҳам планни уддалаша олмади.

Пландаги темир-терсакни етказиб беришга масъул бўлган ишлаб чиқариш бош механиклари сусткашлик қилишган, катта миқдорда хом ашё бўла туриб, уни ўз вақтида йиғиш ва майдонга олиб бориш билан шуғулланмадилар. Бу бепарволикни темир-терсак учун бункерлар йўқлиги билан оқлашмоқчи бўладилар. Металларни эса белгиланган қоидаларга риоя қилмай йиғишади. Натижада қора металл қиринди билан аралашиб кетади.

Яна шуни холис айтиб ўтиш лозимки, 2-йигирув-тўқув фабрикасида махсус қутилар қора металл жўнатишга мўлжалланиш бўлмаганди. Бунинг учун 700 сўм жарима тўланди.

Кўрсатилган нуқсонлар ип-йигирув фабрикаси (ўртоқ Нўъмонов) 1 ва 2-йигирув-тўқув фабрикаси (Мусина ва Волохова ўртоқлар), комбинат бошқармаси (ўртоқ Бабичев) халқ назоратчилар группалари раислари ва аъзолари бўш ишлаганлиги оқибатидир.

Тошкент тўқимачилик комбинати халқ контроли комитети айбдорларни жазолади.

П. ВЛАДИН.

«БРОНХОСКОП» ФАЗОГА УЧАДИ

ФЕЛЬЕТОН

«Салют—7» экипажи врачи Олег Атьков космосдан нодир медицина аппаратларини намойиш қилганида «Главташкентстрой» медицина-санитария қисми ходимларининг қалбида ҳавас ўти ёнди. Ўзларининг ҳаётий кўзларига жуда жўн кўринибми кетди.

— Ўртоқлар, — деди тантанали суратда бош врач ўринбосари Алимуҳамедов навбатдаги планёркада ходимларга мурожаат қилиб,— хўш, бизнинг қаеримиз кам! Наҳотки биз ажойиб ишларимиз билан ўзимизнинг жонажон ишхонамиз, шу билан бирга шаҳримиз шуҳратига шуҳрат қўша олмасак, фанни янги кашфиётлар билан бойита олмасак! Уйлаб кўринг-а, биз ҳозир нима билан шуғулланяпмиз!..

— Нима билан бўлардик, касаллар билан шуғулланяпмиз,— эшитилди кимнингдир журъатсиз овози.

— Ҳамма гап шундада,— давом этди кўтаринки руҳда Алимуҳамедов. — Уларга жон урармидик! Бизнинг қурувчиларимиз отдек соппа-соғ. Масалан, сизни ҳам уларнинг ўрнига қўйсак тоза ҳаво, жисмоний меҳнатдан маза қиласиз. Махсус машқлар, лўкиллаб югуриш ва «Кентавр» клубига ҳам ҳожат қолмайди. Келинг, юксакроқ категорялар билан фикрлашга ўрганайлик. Масалан, космик касалхона. Қалай, зўрми!!

Баъзи врачларнинг асаб системаси раҳбарнинг режалари миқёсига тоб беролмади. Кабинетда ҳўнг-ҳўнг йиғлашлар эшитилди, нашатир ҳиди бурқсиди. Ёш практикантлардан бири стул устига чиқиб, вазиксизликни акс эттирмш мақсадида қўлини қуш қанотидай қилиб силкита бошлади.

— Биз космик касалхонани нима билан жиҳозлаймиз,— деди ўтирганлардан бири хаёлчанлик билан.

— Нима билан бўлардик,— шовқин солишди баъзи кишилар.— Ахир бизда дорихона омборининг ўзида 45 минг сўмликдан ортиқ фойдаланилмаган аппаратлар сақланяпти!

Бош врач ўринбосарининг фикри реал шаклга кира бошлади. Анча вақтдан буён бундай жонланиш бўлмаганди. Кабинетлар олдида навбат кутиб турган одамларни турғиб, ҳансираб, оқ халатли кишилар у ёқдан бу ёққа ўтишар, нималарнидир топиб чиқиб, кўпчиликнинг маъқулловчи садолари остида бошлиқ ҳузурига олиб келишарди. Беморлар ҳам бу шовқин-сурондан гангиб қолишди. Кимдир «ёнғин!» деган гапни айтиб қолди. Шунда беморлар ўзларининг касалликларини ҳам унутиб, дераза-лардан сакраб туша бошладилар. Фақатгина ҳароратн баланд бир кимса деразадан ошиб тушолмай қийналар, гоҳ-гоҳ қўрқувдан оҳиста йиғлаб қўярди. Кўпчиликнинг шов-шуви орасида унинг овозини ҳеч ким эшитмасди. Фақатгина тетик овозлар янграрди.

— Қаранглар, «Эхокардиоскоп» топилди. Адашмасам бундан ўн йилча муқаддам ремонтга бермоқч бўлишганди. Кейин ёддан чиқиб қолиб кетган бўлса керак.

— Бу ҳали ҳолва, 1975 йилда чет элдан «Бронхоскоп» олинганди. Унда кўрсатмалар немис тилидан рус тилига таржима қилинмаганлиги учун фойдаланилмай қолиб кетди. Энди халқаро экипаж ташкил этишга тўғри келади.

Касалхона аравачасида қимматбаҳо буюм сифатида «Биоконд» аппаратини тантаналн суратда олиб келдилар. Бу аппарат нима учун олинганлиги ҳеч кимнинг ёдида йўқ эди. Бундан беш йилча муқаддам бузилиб қолганди. Аммо унинг ёнида скальпель билан ўйиб ёзилган қиймати— 8728 сўм[!] кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этди.

— Бўлди, бўлди! — деди ўзига келиб бошврач ўринбосари. Аммо 1982 йилда (ҳар эҳтимолга қарши) сотиб олинган осциллограф орти-да қисилиб, жим бўлиб қолди.

— Салгина сабр қил, азизим,— деди фаррош Даша хола нима гапли-гини тушунмай унга далда берар экан. — Дорихона омборида бор-йўғи 50 номдаги аппарат йиғилиб қолган. У ерда очиқ ҳавода бузилгандан кўра, бу ерда ҳар қалай бутунроқ турадн.

Кун охирида рентгенологлар 12 та ортиқча рентген мосламаларини топиб, Волга бурлакларисингари уларни Алимуҳамедовнинг эшиги остига судраб келтиришдилар.

«Главташкентстр о й» медицина-санитария қисми ходимлари дока салфеткалар билан қизғин меҳнатдан кейинги терни артиб улгурмаган ҳам эдиларки, эшик олдидан автомобилнинг сигнали эшитилди.

— Бу нима деган гап, ҳурматли ҳамкасблар, — деди югуриб кирган 3-темирйўл болалар касалхонасининг чаққон бош врачи Пўлатов, — шундай катта ишни бошлабсизлару бизни унутибсизлар-да! Ахир космосда болаларсиз яшаб бўларканми! Келинглар, биргаликда иш олиб борамиз. Биз ҳар эҳтимолга қарши хузурингизга ғилдиракдаги дезкамерани, бир неча кислород мосламасини олиб келдик. Тўсатдан бирор микроб пайдо бўлиб қолса қўл келади. Айниқса, «Холод—2» аппаратн жуда қимматли— 5500 сўм туради. Бундан бор-йўғи ўн нил муқаддам касалхона балансига ўтказилган. Унн ўрнатишга ҳеч қўл тегмади. Аслнни олганда, у бизнинг йўналишимизга ҳам тўғри келмайди. Аммо орбитада тўсатдан ҳарорат кўтарилиб кетиш мумкин. Ўшанда керак бўлади.

— Майли, тушираверинг,— деди чапак чалиб Алимуҳамедов ва бошқа касалхоналардан ҳам машиналар келмаяптимикин деган ҳавотирда деразадан қарадн. — Келинглар, энди бу аппаратларни қандай қилиб тезроқ фазога учириш йўлини ўйлайлик. Тағин бironта комиссия текширишга келиб қолмасин...

Биз сизга ҳикоя қилган бу воқеа балки тўқимадир. Аммо раҳбарнинг ортиқча неча ўн минг сўмлик йиғилиб қолган медицина аппаратларини кўздан йўқотиш тўғрисидаги ғояси айни ҳақиқатдир. Аммо Ленин район халқ контроли комитети назоратчилари (негадир медицина-санитария қисмининг назоратчилари эмас) бу ғоянинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиб қолдилар. «Главташкентстрой» медицина-санитария қисми бош врачи ўринбосари Алимуҳамедов космик касалхона ўрнига назоратчилардан виговор олди. Унинг ҳамкасби— 3-темир йўл болалар касалхонасининг бош врачи Пўлатов бу «ташаббусни» қўллаб-қувватлаганлиги учун огоҳлантирилди.

В. СЕРГЕЕВ.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ КИТОБ ЖАВОНИ

Халқ назоратчисининг справочниги. Тўртинчи, тўлдирилган нашр. Редакцион коллегия: И. Д. Конах (раҳбар), Н. А. Журавлёв, Б. И. Мишенков, Н. Д. Корешков. Москва, Политиздат, 1984 йил.

Справочникнинг бу нашри КПСС Марказий Комитетининг 1983—1984 йилларда бўлиб ўтган пленумлари қарорлари ва халқ контроли органларининг улардан келиб чиқадиган вазифалари ҳисобга олиниб тайёрланган. Уларга зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган. Булар биринчи навбатда икки бўлимга: назоратнинг асосий йўналишлари ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасида иш олиб бораётган группалар ишининг ўзига хос томонларига даҳлдордир.

Тузувчилар комитетларнинг ходимлари ва активистлари, группалар ва постларнинг раҳбарлари истагини ҳисобга олдилар. Жумладан, улар СССРда халқ контроли тўғрисидаги Қонуннинг айрим моддаларига кенг изоҳ берганлар. Бундан ташқари пул жарималари солиш, шунингдек халқ контроли органларнинг кундалик ишида пайдо бўладиган савол-жавобларга батафсил тўхтаб ўтилган. Бу масалалар эндиликда мустақил бўлимни ташкил этади.

Справочникда эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар актив семинари ва халқ назоратчилари мактабида қўлланма бўлиши мумкин. Китобда халқ назоратчиларига ёрдам тариқасида адабиётлар, СССР халқ контроли органлари тарихи хроникаси, 1984 йил 1 январгача бўлган комитетлар, группалар ва постлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

2 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

Малик ҚАЮМОВ: „Қизиқарли кўргазмага хуш келибсиз“

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Малик Қаюмов мамлакатимизда ва ундан узоқларда ҳам миллионлаб кино томошабинларга яхши таниш. М. Қ. Қаюмов Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правленесининг биринчи секретари сифатида ҳам катта жамоат ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга ижодий ишларини ҳам давом эттирмоқда. М. Қ. Қаюмов ижодининг ниш тарғиботчисидир. кибози ва қизғин Қаюмов билан бугунги суҳбатимиз ҳам эртага республика Кино уйида очиладиган тасвирий санъат кўргазмасига ўзига хос таклифдир.

— Малик Қаюмович, ҳтимол сиз бугунги ухбатимиз мавзуси инематография эмас, алки тасвирий санъат анлигидан ажабланган бўлсангиз керак?

— Йўқ, унчалик мас. Чунки асарлари орасида суҳбатлашоқчи бўлган мўйқалам устасини деярли ярим аср давомида яқиндан таниганман. Бу— совет тасвирий санъатининг ажойиб усталаридан бири, Ўзбекистон халқ рассоми Александр Сергеевич Волковдир.

У 1886 йилда Фарғонада туғилди, 1916 йилдан бошлаб сўнгги кунларигача ҳаёти Тошкент билан чамбарчас боғланган эди. Ана шу давр мобайнида ажойиб рассом ва инсон жуда кўп нарсалар қилишга улгурди. Тўғрисини айтганда, у қолдирган мероснинг ҳам катта қисми Ўзбекистон халқ рассоми Александр Сергеевич Волковдир.

— Йўқ, унчалик мас. Чунки асарлари орасида суҳбатлашоқчи бўлган мўйқалам устасини деярли ярим аср давомида яқиндан таниганман. Бу— совет тасвирий санъатининг ажойиб усталаридан бири, Ўзбекистон халқ рассоми Александр Сергеевич Волковдир.

У 1886 йилда Фарғонада туғилди, 1916 йилдан бошлаб сўнгги кунларигача ҳаёти Тошкент билан чамбарчас боғланган эди. Ана шу давр мобайнида ажойиб рассом ва инсон жуда кўп нарсалар қилишга улгурди. Тўғрисини айтганда, у қолдирган мероснинг ҳам катта қисми Ўзбекистон халқ рассоми Александр Сергеевич Волковдир.

У 1886 йилда Фарғонада туғилди, 1916 йилдан бошлаб сўнгги кунларигача ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсаларни ўрганишга ҳаракат қилдим. Ҳозир ҳам ўрганяпман. Ҳозирги кунда Волков ижодининг ўзига хос бир мактаб эканлиги ҳақида гапирилмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўзбекистонда Волковнинг ижодий мактабини ўтамаган, унинг таъсирини бошдан кечирмаган рассомни деярли учратиш қийин. Ҳозирги ёш авлод ҳам Волковнинг ижодий мактабини ўтаяпти. Ҳозир ҳам Волковнинг ижодий мактабини ўтаяпти. Ҳозирги ёш авлод ҳам Волковнинг ижодий мактабини ўтаяпти.

— Малик Қаюмович, ҳтимол сиз бугунги ухбатимиз мавзуси инематография эмас, алки тасвирий санъат анлигидан ажабланган бўлсангиз керак?

— Йўқ, унчалик мас. Чунки асарлари орасида суҳбатлашоқчи бўлган мўйқалам устасини деярли





А. Н. Волковнинг «Болалар», А. А. Волковнинг «Чолғучилар» деб номланган асарлари.

М. Нуриддинов фотолари.

Болтиқликларнинг визит карточкаси

1941 йилнинг 22 июнида фашист бомбардимончи самолётлари биринчи марта Москвага ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Эртасига эрталаб, гитлерчилар Германиясининг радиоси совет авиацияси тор-мор келтирилди ва энди немис самолётларига бирон-та бомба тушмайди, бутун дунёга жар солди. Аммо орадан икки ҳафта ўтгач, унинг самолётларига фашистлар давлатининг пойтахтига зарба урди.

Қизил Байроқ орденли Болтиқ флотининг учувчилари Берлинга ҳужум қилган эдилар. Бу иш учун уларнинг танлаб олинганлиги бежиз эмасди, зеро ўшанда Берлинга-ча энг яқин масофа Болтиқ денгизидаги Эйзель оролидаги аэродромдан бошланади.

Масъулиятли топшириқ полковник Е. Н. Преображенский командирлигидаги биринчи мина-торпедо полки зиммасига юклатилди. Шундай қилиб, пухта тайёргарлик ишлари бошланди. Инженерлар машина-ускуналар ва олисга учадиган бомбардимончи самолётларнинг жиҳозларини синчиклаб текшириб чиқдилар, штурманлар маршрутни аниқлаб бердилар, аэродром командалари учиш полосаларнинг тайёрладилар.

1941 йилнинг 7 августи соат 20 да оғир юкли машиналар ердан кўтарилиб, Берлин сари йўл олди.

Ўшанда бизнинг учувчиларга пастдан тим қоронғиликда шаҳарларнинг тўсилмаган чироқлари ярқираб турганлиги ғалати туюларди. Афтидан гитлерчилар совет авиацияси йўқ қилинганлигига дарҳақиқат ишонган бўлсалар керак. Геббельснинг айтган гаплари ҳам шундан далолат берарди. Ўшанда бомбардимон қилинганининг эртасига у радио орқали: Англия 8 августга ўтар кечаси юзта самолёти билан Берлинга «ҳужум қилди» деган эди.

Ўшанда келаси учишда Берлинга бомбалардан ташқари варақалар ҳам ташлашга қарор қилинди.

Старт берилишидан сал олдин Қизил Байроқ орденли Болтиқ флоти ҳарбий-ҳаво кучларининг комиссари авиация генерал-майори Леонид Николаевич Пурнин аэродромга келди. У учувчилар, радистлар, штурманлар билан суҳбатлашди. Ҳамма жанговар кайфиятда эди.

Авиаторлардан бири:

— Варақалар камроқда,— деб нолиб қолди.

Шунда Леонид Николаевич командирига «Красний флот» газетасининг бир тўпини тутқазиб,

— Бу газеталарни Берлин устига борганда ташланг. Газеталар болтиқликларнинг визит карточкалари бўлсин,— деди.

Шундай қилишди ҳам.

(ТАСС).

ЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЧАР ҚУШ МАРШРУТЛАРИ

Грузиялик авиаторлар фойдаланиш учун ҳар бир картани ишлаб чиқдилар. Тбилиси университетининг орнитологлари (қушшунослари) Кавказ устидан учиб ўтувчи қушларнинг маршрутларини аниқлаб, шу картага туширдилар.

— Грузияда икки юздан ортиқ хилдан кўп парранда яшайди, — деди институтнинг авторларидан бири доцент Р. Жордания. — Жанубий мамлакатларга қатиб, йўлда тўхтаб, кучли яна қарийб минг қуш мамлакатнинг шимолий районларидан келиб, республика территорияси устидан ўтади. Ҳар бир қуш галасининг севган учиш маршрутлари бор, баъзиларда ҳаттоки... сўқмоқлари ҳам бор.

Эндиликда табиатни кўриқловчи мутахассислар ҳам шу картадан фойдаланишлари мумкин: унга паррандалар пиёда босадиган маршрутлар ҳам туширилган. Улар заказник чегараларини белгилаб чиқишда шуни назарда тутишади.

РИВОЯТЛАРГА КЎРА

Тбилисининг шимолий-ғарбидаги Мухрани ўлоғи атрофларида ровул кўриқхонаси ташкил этилди. Рионни бўйлаб бу ерга иқлимлаштириш учун қирғовул жўжалари келтирилди. Ривоятларга ра, шу паррандалар Рионни бўйларида бунёд м ягаган. Келаси ли кўриқхона территориясида қирғовул ирадиган катта шамник қуриб битказилади.

— «Фазан» (қирғовул сўзи лотинча «Фазанус»дан келиб чиққан бўлиб, Фазис дарёси бўйларидан келтирилган қуш деган маънони билдиради. Қадим замонларда Рионни фазис деган номда бўлган, —дейди Тбилиси университетининг доценти орнитолог Р. Жордания. — Ривоятларга кўра, бу қушни аргонавтлар Колхидадан тилла тери билан бирга (дарё сувига ташлаб қўйилган қўй терисига тилла қум ўлтирган) олиб кетганлар. Шундай қилиб, кейинчалик у бутун Европага тарқалган.



ҚАРШИ ЧЎЛИНИНГ БУГУНГИ КУНИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Қарши чўлида Ўзбекистон газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатининг йирик маркази ташкил этилмоқда. Арзон ёқилғини қазиб олиш ва ташиш бўйича Шўртан комплексининг учинчи навбатини ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводининг тўртинчи навбатини бунёд этиш тугалланмоқда. Ана шу объектларнинг қурилиши ниҳоясига етгач бу ерда ҳар йили 18 миллиард кубометрга яқин олтингугуртга бой табиий газ қазиб чиқарилади ва тозаланади.

Ушбу улкан қурилишлар Қарши чўлининг қиёфасини ўзгартириб юборди. Газ саноати корхоналари билан бир қаторда замонавий Муборак шаҳри ҳам қад кўтармоқда.

СУРАТДА: Шўртан газ қазиб чиқариш ва ташиш комплексининг учинчи навбати.

Р. Ғафуров ва Т. Шаропов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

• НАБОТОТ—ҲАЁТ МАНБАИ

ЭРМОН—ЖОНГА ДАРМОН

Эрмон ўрта Осиёда кўп тарқалган шифобахш ўсимлик бўлиб, у асосан тўқайларда, ариқ бўйларида, йўл ёқаларида, тоғ ва теаликларнинг ён бағирларида ҳамда бегона ўт сифатида экинлар орасида ўсади. У Тошкент, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё областларида кўпроқ учрайди.

Эрмон кўп йиллик, бўйи ярим-бир метргача етадиган бутасимон ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, бир оз қирралари бўлиб, юқори қисми шохланган. Илдиз олди барглари узун бандли, учбурчак-юмалоқ, икки-уч марта патсимон ажралган. Унинг поя ва баргларида туклари кўп бўлгани учун ўсимлик кумушрангда товланади. Гуллари майда, сариқ, саватчага тўпланган.

Шифобахш бу ўсимлик июнь ойларида гуллайди, меваси сентябрда пишади. Медицинада ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Ер устки қисми таркибида эфир мойи, абсинтин ва анабсинтин, аччиқ гликозидлари, хамазулен, органик кислоталар, С ва К витаминлари, каротин, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмани кўз яллиғланишига, ўт, пешоб, гижжа ҳайдовчи дори сифатида қўллаган. Шунингдек, ўсимлик ширасини истисқо ва сариқ хасталикларини даволашда, иштаҳа очувчи омил сифатида ишлатган.

Халқ медицинасида эрмон ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама жигар, ўт пуфаги, ичак яраси, безгак, бавосил, овқат ҳазмининг бузилиши, ич кетиш касалликларини ҳамда яраларни даволашда, иштаҳа очувчи, ухлатувчи, гижжа ва ел ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида яхши наф келтиради.

Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун кастрюлькага икки стакан қайнаб турган сув қуйилади, устига қуритилган ва майдаланган ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб дамланади. Сўнгра докада сузиб, кунига 3 маҳал таомдан ярим соат олдин чорак стакандан истеъмол қилинади. Илмий медицинада эрмон ўсимлигининг доривор препаратлари таом ҳазм қилишни яхшиловчи, иштаҳа очувчи дори сифатида қўлланилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос. Фарғона шаҳри.

• ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА •

МАШИНАЛАР БЕКОР ТУРИШИ КАМАЯДИ

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг олимлари яратган мослама «зангори кемалар» меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашади, Мослама пахта териш машиналари далаларда ишлаб турган пайтда уларнинг шпинделларини вақти-вақти билан намлаб туриш учун мўлжалланган.

Маълумки, қуруқ шпинделлар тез ифлосланади ва машиналар ҳаракат тезлигига қараб ғўза тупларидан толани тобора кам тортa бошлайди. Механизаторларга шпинделларни ювиб туриш учун анчагина вақт сарфлашларига тўғри келади. Бу эса ҳосил терими суръатини пасайтиради. Институтда яратилган намлагич мослама насос ва пуркагичи бўлган шланг ёрдамида бирлаштирилган кичик бакдан иборат. Гагарин районидаги «Комсомолобод» совхози далаларида ўтказилган синов унча мураккаб бўлмаган бундай қурилма ёрдамида ҳосилнинг тоза терилишига эришиш, агрегат унумдорлигини ошириш мумкинлигини кўрсатди.

КОСМОСДА ОЛИНГАН СУРАТЛАР ЁРДАМИДА

Туркманистон олимлари космик орбиталардан юборилган катта ҳажмдаги фотоахборотдан фойдаланиб Қорақум канали таъсиридаги зонанинг жуда катта территориясини ривожлантириш тўғрисидаги ўз таҳминларини янада ишончли тарзда мустаҳкамладилар. Дашт-ларни ўрганиш институтида ана шу маълумотлар асосида тузилган харита канал ўзани мустаҳкамланиб, ўсимликлар яхши ривожланаётганлиги ва шўрхок ерлар камайиб бораётганлигини кўрсатади.

— Космик орбиталардан олинган ахборот, — деди лаборатория мудири, биология фанлари доктори Н. Харин,—яқин 20 йилга мўлжалланган дашт-ни ривожлантириш динамикаси таҳминий харитасини тузишга ҳам кўмаклашди. Икки минг-инчи йилга бориб, Қорақум майдони кўпининг шамолдан нураши анча камаяди. Дашт яйловларида ҳосилдорликни ошириш сари борилаётганлиги кузатилмоқда. Булар ўсимликлар дунёсининг бойиб бораётганлиги, бутазорлар кўплаб ўтказилаётганлиги самарасидир.

Ана шу хариталар тахминлар билан чекланиб қолмай, ҳозирги куннинг саволларига ҳам амалий жавоб беради. Хариталар яйловлардан оқилона фойдаланиш, қўйлар туёғини кўпайтириш масалаларини ҳам ўз вақтида ҳал этишга ёрдам беради.

ТЭС УЧУН «ОТПУСКА»

Одамлар сингари электр станцияларга ҳам меҳнат отпускаси бериладиган бўлса, Фарғона водийсидаги Ленин номли катта ТЭЦ шу саноат регионидаги корхоналарнинг ишлашига зиён етказмагани ҳолда бир ҳафта дам оларди. Чунки Фарғона «Азот» бирлашмасида 1 тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга электр энергия солиштирма сарфини 30 киловатт соатга камайтира билишди. Натижада йил бошидан бери химиклар 25 миллион киловатт-соат — ТЭЦ бир ҳафта мобайнида ҳосил қила оладиганчалик энергияни тежадилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КАТТА ҲИССА

БЕРЛИН. ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер, республиканинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари Берлиндаги Совет фани ва маданияти уйини бориб кўрдилар. Улар Совет фани ва маданияти уйининг иши ҳамда у ерда ташкил этилган совет выставкаларининг экспозицияларини билан ғоят қизиқиб танишдилар.

Э. Хонеккер фахрли меҳмонлар китобига фикр-мулоҳазаларини ёзиб, Совет фани ва маданияти уйи коллективининг фаолиятини Совет Иттифоқи билан ГДР халқлари ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшилаётган катта ҳисса деб таърифлади. У ўз сўзида республика меҳнаткашлари бундан буён ҳам СССР билан дўстликни мустаҳкамлайверадилар, деб таъкидлади. КПСС билан ГБСПнинг қардошларча иттифоқи ана шу дўстликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Бу йил ташкил этилганлигининг 35 йиллигини нишонлайдиган мамлакатнинг барча муваффақиятлари Европа халқларини гитлерчилар фашизмидан озод қилган Совет Иттифоқи билан чамбарчас боғлиқдир. ГДР Советлар мамлакати ва бошқа қардош давлатлар билан биргаликда тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, социалистик ҳамдўстликни ҳар томонлама кучайтиришга амалий ҳисса қўшаверади.

ЭФИОПИЯ ЯНГИЛИКЛАРИ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия халқ контроли органлари халқ оммасининг ғалабаларини қатиқ туриб ҳимоя қилиши, янги жамият барпо этишда фаол қатнашиши лозим, деди бу ерда Эфиопия ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Муваққат ҳарбий-маъмурий Кенгашнинг Раиси Менгисту Хайле Мариам. У яқинда Бале ва Кэфа вилоятларида ташкил қилинган халқ контроли комитетларининг раҳбарларини қабул қилиб, партия шу органлар олдида турган вазифаларни бажаришларида уларга зарур мадад бераверади, деб таъкидлади.


Ҳозирги вақтда, деб ёзади «Аддис земен» газетаси, Эфиопияда 7 та вилоят ва 520 та бошланғич халқ контроли комитетлари ишлаб турибди. Бу комитетлар хўжасизликка ва суиистеъмолларга қарши, давлат аппарати фаолиятидаги камчиликларга қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқдалар, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

* * *

Эфиопиянинг қурғоқчиликдан зарар кўрган районларига озиқ-овқат, кийим-кечак ва дориармон етказиб бериш учун ташкил қилинган махсус «осмон йўли» Аддис-Абебани Асмара, Аксум, Лалибела ва Мэкэлэ шаҳарлари билан боғлади. ЭНА ахборот агентлигининг хабар қилишича, яқин кунлар ичида ана шу пунктларга уч ярим минг тонна юк жўнатилади.

Қурғоқчиликдан зарар кўрганларга Эфиопия Қизил крест жамияти Халқаро Қизил крест комитети билан ҳамкорликда ёрдам бермоқда.

•



Венгер халқ санъатининг бой анъаналарни услубида тайёрланган бадиий буюмларни Лентидаги (Зала области) кооператив ишлаб чиқаради. Ана шу кооперативнинг маҳсулотлари — рўзғор буюмлари, газламаларни кўпгина чет эл мамлакатларида севиб харид қилишади. Улар Совет Иттифоқига ҳам экспорт қилинади.

СУРАТДА: кооперативнинг тўқувчилик цехида.

МТИ—ТАСС фотоси.

•

Реваншчиликни авж олдирмоқдалар

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Японияда реваншчилик кайфияти кучаймоқда. Собиқ милитаристларнинг жиноий ишларини оқлаб кўрсатиш, иккинчи жаҳон уруши якунларини қайта кўриб чиқиш, «шимолий территориялар» тўғрисида атайлаб ўйлаб чиқарилган масалани кун тартибига қўйишга очиқданочиқ уринилмоқда.

«Токио симбун» газетасининг хабар қилишича, Япония бош министри Я. Накасонэ ташқи ишлар министрлигига ва бошқа маҳкамаларга турли мамлакатлардаги халқаро ташкилотлар ва картографик нашриётлардан шу мамлакатларда чиқарилаётган географик хариталарда ва энциклопедик нашрларда Курил маржонидаги Совет Иттифоқига қараши-ли тўртта жанубий орол «Япониянинг азалий территориялари» сифатида кўрсатилишига эришиш ҳақида фармойиш берган.

Бундай реваншчилик уринишлари биринчи марта қилинаётгани йўқ. Мамлакатда «шимолий территориялар» кунлари ҳукумат юқори мартабали вакилларининг чегара районларига «инспекция сафарлари» тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Ҳатто иш Токионинг ҳукмрон доиралари шовинистик жазавага тушиб, «қайтариб» олинишини умид қилаётган ороллар-нинг хариталари туширилган сигареталар ёки консерва-лар махсус туркумларини чиқаришгача борибетди.

Бундан аввалги иғвогарлик ҳаракатлари сингари бу найрангларнинг ҳам мақсади битта, у ҳам бўлса мамлакатда Советларга қарши жазавани кучайтириш, Совет Иттифоқидан ҳеч бир асосга эга бўлмаган ҳолда территориялар даъво қилиш кампаниясини авж олдириш, мамлакатда реваншчилик ва урушқоқлик кайфиятини алангалатиш, шунингдек бу кампанияга «халқаро тус» беришдан иборатдир.

Япония реакцияси «Шимолий территориялар»ни қайтариб олиш реваншчилик кампаниясидан мамлакатни ёппасига қайта қуроллантириш ва милитарлаштиришни ниқоблаш, Америка империализми билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадида фойдаланмоқда. Америка империализми эса Японияни ўзининг «сувга ботирилмайдиган авианосеци»га айлантириш ниятларини ҳатто яшираётгани ҳам йўқ. Маълумки, АҚШ кўп вақтдан буён Япония милитаризмини тиклаш ва мустаҳкамлаш, япон ҳукмрон доираларининг реваншчилик кайфиятини ҳар томонлама авж олдириш йўлидан бормоқда. Вашингтон маъмурияти Накасонэнинг кейинги даъволарини ҳам ҳукмрон доираларининг реваншчилик кайфиятини ҳар томонлама авж олд

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

31-«БУҚИНИСТ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНИ

фан, техника, саноат, қурилиш соҳалари бўйича, шунингдек обуна нашрларининг тўла танланган асарларн ва айрим жилдларини, бадиий ва болалар адабиёти, тарих, адабиётшунослик, санъатга доир китобларни

СОТИБ ОЛАДИ ВА КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Магазин бундан ташқари олий ўқув юртлари, техникумлар учун асралган дарсликлар, справка адабиётларини сотиб олади.

Магазиннинг алмашув фондида қуйидаги танланган асарлар бор:

А. П. ЧЕХОВ — 11 жилдли,
А. И. ГЕРЦЕН — 8 жилдли,
С. ЕСЕНИН — 3 жилдли,
Р. ТАҒОР — 12 жилдли,

шунингдек, мамлакатимизда ва чет элларда нашр этилган бадиий адабиётлар.

Уйда яхши сақланган, харидорларнинг доимий талабига сазовор бўлган бадиий адабиётларни магазин унинг эгаларига китобларнинг тўла қимматини тўлаган ҳолда ҳам сотиб олади.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Ярмарка («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида).

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, душанба куни дам олади.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИ.

Тошкент шаҳар Совети умумий овқатланиш бошқармаси

ФРУНЗЕ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ МАКТАБ-ОШХОНАСИ

ОШПАЗЛИК ГРУППАЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактабга фақат 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи 29 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинадилар.

Ўқувчилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 11 ой.

Ўқувчилар ўқишни битирганларидан кейин 3-разрядли ошпаз номини оладилар. Уларга ойига 52—63 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Мактаб-ошхонани битирганлар трестнинг корхоналарига ишга жойлаштирилади ва уларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириш учун имкониятлар яратиб берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 78-«а» уй. Телефонлар: 55-27-12, 55-25-81.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори) ВА СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши шарт: билим юрти директори комига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см., 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари).

Ф. Хўжаев номли 1-пойабзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойабзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

Билим юртини аъло ёки яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3Х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6 — уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

СОТУВЧИЛИК КАСБИ

САҲОВАТЛИ ОНА ЕРИМИЗ БИЗНИ МЕВА-ЧЕВА ВА САБЗАВОТЛАР БИЛАН МЎЛ-КЎЛ МАМНУН ЭТМОҚДА. ДЕҲҚОНЛАРНИНГ МИРИШКОР ҚЎЛИ ЕТИШТИРГАН ПОМИДОР ВА БОДРИНГ, БАҚЛАЖОН ВА ОШҚОВОҚЛАР, ПИЁЗ ВА САБЗИЛАР ШАҲАР МАГАЗИНЛАРИНИНГ ПЕШТАХТАСИГА ЧИҚАРИЛГАН. ЭНДИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ СЎЗ СОТУВЧИЛАРГА. ХУДДИ АНА ШУ КАСБ ЭГАЛАРИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНГАН МЎЛ ҲОСИЛНИ ХАРИДОРЛАР ҚЎЛИГА УРИНТИРМАЙ ТЕЗ ВА ОРАСТА ЕТКАЗИШЛАРИ ЛОЗИМ.

30 ВА 129-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИДА

МЕВА ВА САБЗАВОТ МОЛЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛИШ КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 16 ЁШГА ЕТГАН ЁШЛАР ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ВА 3 ЙИЛ.

10 синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар стипендия ва практика даврида ишланган иш ҳақининг 33 процента миқдорида ҳақ оладилар. 8-синфни битирган ўқувчилар бепул овқатланиш, махсус кийим-бош билан таъминланадилар ва практика вақтида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: ариза, справкалар: медицина (286 форма), турар жойидан; маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ўқишга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.



Ўқувчилар билим юртларини битирганларидан кейин уларга кичик сотувчи ихтисослиги берилади ва уларга «Ташплодоовощ» магазинларидан иш тавсия этилади.

БИЛИМ ЮРТЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

30 — 1/2-Қорақамиш массиви, 20-уй;
129 — Юнусобод массиви, СГ—2 (мактаб биноси).

«ТАШПЛОДООВОЩЧ» (телефон 55-67-94).

ТЕЗ ВА ТОЗА ОРАСТАЛАЙДИ

УЙ БЕКАЛАРИНИНГ БЕМИННАТ ЁРДАМЧИСИ БЎЛГАН СИНТЕТИК ТОЗАЛАШ ВОСИТАЛАРИ КИР ЮВИШДА ЮМУШНИ ОСОН ҚИЛАДИ.



«ЭГАТА» — ёғ доғи, куйиб кетган овқат қирмочи, қурумни яхши кетказади, айниқса ошхона плитасини тозалашда бебаҳодир. Канализация қувурларини тозалашда ҳам самаралидир.

«ВИЛЬВА» — пластика билан қопланган ошхона мебелларини, пластмассали буюмларни, шунингдек ошхона идиш-товоқларини тозалашда ишлатилади.

«ЖЕМЧУГ» — такомиллашган паста бўлиб, уй бекасининг ошхона идиш-товоқлари, раковина, ванна, кафел ва сопол безакларини, плитани, мойли ва эмалли сиртларни тозалашда яқиндан ёрдам беради.

«ПОМОШНИЦА» — бу ҳам такомиллашган пастадир. Юқорида кўрсатиб ўтилган буюмлардан ташқари линолеумда қотиб қолган доғни яхши кетказади. Тозаланган сиртни ялтиратади ва янгидек қилади, уларни дезинфекциялайди, хонанинг ҳавосини хушбўй исли қилади.

«САНФОР» — туалетларда орасталикни сақлаш учун қўлланиладиган замонавий восита бўлиб, занглаган жойни тозалайди, дезинфекциялайди, ёқимсиз ҳидни йўқотади.

«САНИТАРНИЙ-2» — қотиб қолган зангни кетказади, ванна, раковина, кафелли плита, унитазларни ялтироқ қилади.

«НЕТХИНОЛ» — ойналарда бирорта чизиқ қолдирмасдан доғларни осон ва тез кетказади.

БУ ВОСИТАЛАРНИ «ВНИИХИМПРОЕКТ»НИНГ УРАЛ ФИЛИАЛИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ оғирлиги 600 граммли полиэтиленли халталарда тайёрлаб чиқармоқда.

«ВНИИХИМПРОЕКТ»НИНГ УРАЛ ФИЛИАЛИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

17 ОКТЯБРДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

(икки бўлимдан иборат)

Томошалар ҳар куни соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.
44-35-84, 44-35-91 телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ишчи-ёшларни олий ўқув юртига киришига тайёргарлик кўриши учун

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ПУЛЛИҚ ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги предметлардан: математика, география, тарих, она тили ва адабиётдан ҳафтасига 3 марта олиб борилади.

Курсларга ўрта маълумотли, шунингдек, 10-синфда ўқиётган шахслар қабул қилинади.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидагиларни кўрсатишлари лозим: институт номига ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси (10 синф ўқувчилари учун мактабдан справка); турар жойидан, иш жойидан (ўрта маълумотли шахслар учун) справка, 2 дона фотосурат (3х4 см.).

Машғулотлар институт биносида олиб борилади.

Ҳужжатлар чоршанба ва шанба кунлари соат 18.00 дан 19.00 гача, эски 1—30 аудиторияларида қабул қилинади.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй.

Темир йўл транспорти ва Тошкент метрополитенидаги автоматика ва телемеханика бўйича

БУТУНИТТИФОҚ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 820-ПОЕЗДИ

автоматика ва телемеханика ускуналари электромонтажчиларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга 20—29 ёшдаги эркаклар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 96 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

820-ихтисослашган монтаж—поездининг ишчилари имтиёзлардан фойдаланадилар.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Ишларнинг кўчма характерда бўлганлиги учун тариф ставкасининг 50 процента ва иқлим шароити учун 20 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Объектлар фойдаланишга топширилганда мукофот пули берилади. Ишлаётган ишчи ва унинг қарамоғидаги 1 кишн меҳнат отпускаси чоғида темир йўлдан бепул фойдаланади.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Маҳзуна кўчаси, 1-тупик, 14-«а» уй. (15, 26-автобусларнинг «Санитария техника ускуна уйи заводи» бекати). Телефон 97-17-61.

ТВ

сешанба

2 ОКТЯБРЬ

● МТ I

18.30 «Расмларда қуёш акси бор».
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари.
19.50 «Шундай йигит яшайди». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Крилов масалларини ижро этамиз». Фильм-концерт премьераси.
22.40 Халқаро конкурслар лауреати Е. Школьникова куйлайди.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.15 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Халқаро панорама».
20.15 В. Моцарт. Уч вальс.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Олтин шоҳли буғу». Ҳужжатли фильм.
21.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо». 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
22.50 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия (ГДР).

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
18.50 «Фарғона боғи». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
19.00 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Олам дарди адиб қалбида». Кўрсатувни Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотининг лауреати Л. Қаюмов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қишлов — чорвадорлар учун масъулиятли давр».
22.25 «Камера фош этади». «Сионизм тарих суди олдида».
23.35 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Евгений Вахтангов». «Қаноатланган». Ҳужжатли фильмлар.
18.50 «Коцюбинскийлар оиласи». Бадиий фильм. 1-серия. «Бўрон олдидан».
20.00 Янгиликлар.
20.20 Ўқув программаси (рус.).
21.00 «Миниатюралар». Телефильм.
21.30 МТ II

чоршанба

3 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Саёҳатчилар клуби».
10.40 «Шундай йигит яшайди». Бадиий фильм.
12.15 Телефильм.
12.30 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Илмий-оммабоп фильмлар: «Бригада потенциали», «Майсалар шитирлаши».
15.55 И. Гайдн. 83-симфония.
16.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.00 Ивано-Франковск областининг «Трости музики» ансамбли чалади.
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.10 Эстония ССР Давлат академик эркаклар хорининг концерти.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари.
20.20 «Бу менинг қалбимда эди». Вс. Вишневскийга бағишланган телефильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Днепр» — Трабзонспор» (Туркия). Кривой Рогдан олиб кўрсатилади.
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
00.15 Футбол бўйича Кубок эгаларининг кубоги 1/16 финал. «Хайдук» (Югославия) «Динамо» — (Москва). Югославиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 Телефильм.
12.05—12.40 «Сиз яратган боғ».
14.00 «Ўқитувчи ва унинг газетаси». «Учительская газета»синнинг 60 йиллигига.
14.30—15.15 «Тарих саҳифалари». «Ишчиларнинг халқаро бирдамлиги». I Интернационал ташкил топган кунининг 120 йиллигига.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Куз оҳанглари». Фильм-концерт.
19.15 «Ичишни ташладим». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
21.30 «Время».
22.00 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия (ГДР).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Бахтли бўлай десанг». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Уфқ ортида». «Христина бўлмлари». Телефильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ўқувчилар бўлимида».
18.45 «Ёшлик» студиясида. «Комсомол ва дирижёр» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун».
20.10 «Республика шоу-да».
20.30 «Ахборот».
20.50 УзССР Давлат эстрада симфоник оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда». Халқаро ахборот.
22.15 «Барбод бўлиш». Бадиий фильм.
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Красный Крым».
18.30 «Коцюбинскийлар оиласи». Бадиий фильм. «Бўрон».
20.00 Янгиликлар.
20.20 Ўқув программаси.
21.00 «Шундай йигит яшайди».
21.30 МТ II

«УЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ ҲАВАСКОРЛАРИ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИ «В» категорияси транспорт воситаларини бошқаришга ўргатувчи ҳаваскорлар қабул қилади

КУРСЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3 ой.

Машғулотлар ҳар куни соат 9 дан 12.15 гача, 15.00 дан 18.15 гача, якшанба кунлари — соат 9 дан 15.00 гача.

Ҳафтада икки марта назарий машғулотлар ўтказилади.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар ижроия комитетларидан жамиятнинг ветвилоятларига мурожаат этсин.

Автомобиль мактабининг адреси: Тошкент шаҳри, Ленинградлар бой кўчаси, 28а, 34а, 38, 40 автобуслар; 8, 9, 12-автобуслар, 9, 12-троллейбусларнинг «Спутник» ва «Ҳарчаси» бекатлари.

АҲОЛИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ФРУНЗЕ РАЙОНИ ТАШКИЛОТЛАРИ

токарь шогирдлари — 1—6 разрядлар, **электр пайвандчилар** — 3—4 разрядлар, **бачачилар, бўёқчилар.**

Меҳнат ҳақи — **вақтбай** — мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленинградлар кўчаси, 49-уй, 1-хона.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

2 ОКТЯБРЬ, 1984 й. Р—12488. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8